

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ САМАРАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИДА
ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

*Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли -
ТДИУ "Молия ва бухгалтерия ҳисоби"
кафедраси в.в.б., доценти PhD*

Аннотация: Ушбу мақолада харажатлар ва уларнинг иқтисодий мазмуни ёритилган. Реал сектор корхоналарида харажатларнинг таркиби, динамикаси ва ундаги замонавий концепциялар таҳлил қилинган. Таннарх ва давр харажатларини бошқаришни такомиллаштириш имкониятлари асосланган.

Калим сўзлар: Молиявий натижа, самарадорлик, рақобатбардошлик, қиймат категориялари, харажатлар, хом ашё, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархи, соф фойда.

ТЕОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ УПРАВЛЕНИЯ ЗАТРАТАМИ В СИСТЕМЕ
ЭФФЕКТИВНОГО ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ПРЕДПРИЯТИЙ

*Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли -
ТГЭУ кафедра «Финансы и бухгалтерского учёта»
и.о., доцент, PhD*

Аннотация: В этой статье освещаются расходы и их экономическое содержание. Анализированы современные концепции структуры и динамика затрат предприятий реального сектора экономики. Аргументированы возможности улучшения эффективного управления себестоимости и расходов периода.

Ключевые слова: финансовый результат, эффективность, конкурентоспособность, стоимостные категории, затраты, сырьё, производство, себестоимость продукции, чистая прибыль.

THEORY AND MODERN CONCEPTS OF COST MANAGEMENT IN THE SYSTEM
OF EFFECTIVE FORMATION OF FINANCIAL RESULTS OF ENTERPRISES

*Musakhonzoda Ikromjon Sobirkhon ogli -
TSUE Department "Finance and Accounting"
Associate Professor, PhD*

Annotation: This article highlights the costs and their economic content. Have been analyzed the current concepts in the structure and dynamics of costs of enterprises in the real sector of the economy. Argued the possibilities of improving the effective management of cost and expenses of the period.

Key words: financial result, efficiency, competitiveness, cost categories, costs, raw materials, production, production cost, net profit.

Кириш. Жаҳон амалиётида йирик корпоратив бизнес тузилмаларининг молиявий натижалари улар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлиги таъсирида шаклланивчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Корхоналарда юқори молиявий натижаларга эришиш ишлаб чиқариш фаолиятининг интенсив тавсифи, мавжуд меҳнат ва молиявий ресурслар ҳамда капиталдан оқилона фойдаланишнинг асосий индикаторлари бўлиб хизмат қилади. Харажатлар асосий молиявий категориялардан бири сифатида хўжалик фаолиятининг самарадорлигининг муҳим сифат кўрсаткичларидан биридир. Улар қиймат категорияларининг бошқа турлари билан мустаҳкам алоқада бўлади. Харажатларни бир томондан молиявий хўжалик фаолиятининг натижаси сифатида, иккинчидан пировард молиявий натижа – соф фойдани шаклланишининг бош омилларидан бири сифатида ҳам қараш мумкин. Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари-

да харажатларга аввало хўжалик фаолиятида истеъмол қилинган ресурслар сифатида қаралиб, моддий буюмлашган шаклига кўра тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, юклар жўнатилган товарлар ва бошқа элементларда ифодаланувчи баланс моддаларида акс эттирилишига урғу берилади.

Сарфлар бу корхона молиявий ресурсларини реал ёки тахминий харажатларини ўзида ифодалаб, келгусида даромад келтириш имкониятларига эга бўлинса активларга ёки ҳисобот даврида корхона тақсимланмаган фойдасини камайишига олиб келса пассивларга киритилади. Бундай ёндашув сарфлар келгусида даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ва пулда ўлчанадиган ресурсларни ўзида ифодаланиши нуқтаи назардан ёритилишини назарда тутати. Шунингдек, сарф-харажатларга нисбатан корхонани истиқболда ривожлантиришнинг оптимал

стратегиясини танлаш категорияси сифатида қаралишини ҳам назарда тутати.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Классик иқтисодий назария намोёндаларидан бири Д. Рикардо сарф-харажатлар категориясининг мазмунига оид илмий қарашларида, меҳнатнинг қиймат назариясига биноан харажатлар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ифодалашини эътироф этиб ўтади.

Иқтисодчи Ж.Кейнснинг фикрича, ишлаб чиқариш харажатлари тадбиркор томонидан бошқа мулкдорлар эгалигидаги қуйидаги ишлаб чиқариш омиллари: тугалланмаган ишлаб чиқариш, айланма капитал, тайёр товар захираларидан фойдаланиши натижасидаги сарфларининг йиғиндисини ўзида ифодалашини эътироф этиб ўтади.

Россиялик иқтисодчилар М.А. Бахрушина, П.П. Новиченко, К.А. Раицкийлар ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни муомала жараёнида гавдаланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатга сарфларнинг пулдаги ифодаси эканлигини таъкидлайдилар. Иқтисодчилар А.Каримов, Ф. Исломов ва А.Авлоқуловлар корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга айтилишини эътироф этиб ўтадилар [1].


Иқтисодчи П.С. Безруких эса, ишлаб чиқариш харажатлари унинг қийматини шакллантирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларининг йиғиндисини

ни ўзида ифодалайди. Маҳсулот таннархи эса унинг қийматини ташкил қилувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнидаги харажатларни ифодалайди[2].

Тадқиқот методологияси. Фикримизча, харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишга сарфланган моддий ва буюмлашган меҳнат сарфларининг қийматдаги ифодаси ҳисобланиб, таннархга нисбатан кенг қамровли тушунчадир. Маълумки, корхона молиявий хизмат тизимининг бош миссияси мувоzanатли молиявий барқарорлик таъминланиши шароитида корхонанинг рентабеллигини юксалтириш ҳисобига унинг бозор қийматини максималлаштириш ҳисобланади.

Модомики рентабеллик бош миссия ёки мақсаднинг асосий индикатори ҳисобланар экан, фойданинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омил сифатида харажатларни бошқариш мақсадга эришишда принциал аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам харажатларни бошқариш замонавий молиявий менежмент концепциясида назарий ва амалий билимларнинг мустақил соҳаси сифатида қаралиб ва тараққий этиб келмоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Молиявий менежмент тизимидаги харажатларни бошқариш концепциясида алоҳида тармоқ ёки соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъекти фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақсад ва тамойиллар, стратегияни танлаш алгоритми ва уни реализация қилишнинг инструментлари шакллантирилади.



1-расм. Корхоналар фаолияти молиявий натижалари ва харажатларини бошқариш концепцияси

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Тузилмали омиллар қаторига фаолият миқёси ва инвестициялар ҳажми, горизонтал ва вертикал интеграция, хўжалик юритувчи субъект тажрибасининг эгри чизиғи, сарф-харажат-

лар занжирининг ҳар бир босқичида фойдаланилувчи технологиялар, товар ва хизматлар асортименти кенглиги билан шартланган мураккаблик киради. Ҳар бир омил таннархни бошқа-

рувчи акциядорлик жамияти бошқарув тизими танловини англатади. Корхона фаолияти кўрсаткичлари билан ўзаро мутаносиб ўлчанмайди, яъни ҳар бир тузилмали омил ҳар доим ҳам “оптимал” кўрсаткични англатмайди. Хусусан, бу ерда Рокфелернинг машғур ғояси “Катта харажатдан эмас, балки кичкина даромаддан кўрқиш керак” – деган ғояси харажатларни бошқаришда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин [3].

Демак, XX асрнинг 80-йилларида Ғарбда сарф-харажат ҳосил қилувчи омиллар концепцияси сарф-харажатларни бошқаришнинг назарий асоси сингари тузилмали омиллар қаторига киритилган ҳолда таърифланган. Шу тариқа, ушбу ҳолатда иқтисодий тафаккур ҳаракати мазкур давр ижтимоий-иқтисодий тизимларида қатъий фарқлар мавжудлигига қарамай, хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотларда бир йўналишда ривожланган [4].

Ҳозирга қадар амалий соҳада Ғарбда бўлганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳам асосан сарф-харажатлар хатти-ҳаракатининг функционал (операцион) омилларга боғлиқлиги кўриб чиқилади. Бу кўп жиҳатдан сарф-харажатларни бошқариш ахборот базасини шакллантирувчи ҳисоб тизимларининг консервативлиги ва таҳлилчиларнинг анъанавий молиявий баҳолаш усулларига мойиллиги билан изоҳланади. Бироқ сўнгги йилларда консалтинг амалиётида тузилмали сарф-харажат ҳосил қилувчи омиллар йўналишида қизиқиш ошгани кузатилади.

Кўшилган қиймат концепцияси ғарбдаги назария ва амалиётда ҳам кенг тарқалган. Ушбу концепция харажатларни бошқариш бўйича замонавий анъанавий парадигмани акс эттиради. Кўшимча қиймат концепцияси доирасида харажатларни бошқариш харажатларнинг элементлари қиймат кўрсаткичлари ва даромад манбалари ўртасидаги тафовутни ифодаловчи

фаолиятнинг ҳар бир турлари бўйича қўшилган қийматни максималлаштириш стратегиясини кўзда тутати.

Харажатларни бошқаришнинг ушбу концепцияси фаолиятнинг асосий турлари бўйича йирик материал сиғимини талаб қилувчи бизнес доиралари учун қўшилган қийматни максималлаштириш орқали бизнес муваффақиятини таъминлашнинг назарий ва амалий асосларини қамраб олади. Фикримизча, бундай ёндашув операцион харажатларнинг сарф-харажатларга таъсир доирасини торайтиради, шу нуқтаи назардан таҳлилий баҳолаш материал сиғимли фаолият турларида мукамал ҳисобланмайди [4].

Қадриятлар занжири концепцияси (ингл. Value chain) дастлаб М. Портер томонидан ишлаб чиқилган. Қадриятлар занжири стратегик таҳлил инструменти сифатида стратегик режалаштириш мақсадида корхона фаолиятини комплекс тадқиқ этишни кўзда тутати. Корхонанинг рақобат афзаллиги фаолиятнинг стратегик йўналишдаги мақсадларини бошқа корхоналарга нисбатан самарали реализация қилиш билан изоҳланади. Ушбу стратегик мақсадларни самарали реализация қилишга мўлжалланган оптимал бюджетни шакллантириш, харажатларни бошқариш ва бу қадриятлар занжири концепциясининг асосини ташкил қилади [5].

Ушбу концепция харажатларни шакллантириш ва бошқаришда кенгайтирилган ёндашувга асосланади. Маълум фаолият турлари платформасидаги қадриятлар занжири бўйича харажатни шакллантирувчи механизм ҳисобга олинади. Концепциянинг хусусиятли жиҳатлари, амалдаги корхоналарни фойда олишга йўналтирилган фаолият турларини баҳолаш имкониятини беради.



1-расм. М.Портернинг қадриятлар занжири концепцияси

Манба: Муаллиф ишланмаси

Расмдан кўришимиз мумкинки, корхоналар фаолият турларини стратегик аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда асосий ва ёрдамчи фаолият турларига ажратилади. Ушбу фаолият турлари

бўйича активлар ва харажатларни оптимал тақсимлаш уларнинг ҳар бирини миқдорий баҳолаш имкониятларини яратади. Агар фаолият

турлари бўйича боғлиқлик мавжуд бўлса, улар бўйича харажатлар ҳам алоқадор бўлади.

Қадриятлар занжири рақобатбардош компанияларда фаолият турлари бўйича харажатларни солиштириш бўйича рақобат афзаллигини аниқлаш орқали харажатларни стратегик таҳил қилиш элементи ҳисобланади.

Портнернинг таъкидлашича, компания тараққиёт имкониятларига яҳлит назар ташлаш унинг кучли ва заиф томонларини тўлиқ намоён қилиш имкониятларини бермайди. Рақобат афзаллиги кўп томонлама фаолият йўналишида шаклланади ва фаолиятнинг барча турлари қамраб олинади.

Қадриятлар занжири концепцияси – мавжуд харажатларни ҳар томонлама ва яҳлит ёндашувда шакллантириш ва бошқаришни кўзда тутати. Ушбу концепция корхоналарда хом ашё манбаларидан тортиб тайёр маҳсулотгача бўлган харажатни шаллантирувчи барча фаолият турларини қамраб олишни назарда тутати.

Хулоса ва таклифлар. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тизимлаштирилди. Молиявий натижалар вақтинг маълум моменти мобайнида корхоналар фаолиятининг якуний маҳсулини ифодалайди. Молиявий натижага 2 асосий позицияда қараш мумкин:

биринчидан, молиявий натижанинг иқтисодий талқини яъни капиталнинг ўзгариши ёки пул маблағларининг ўзгариши сифатида;

иккинчидан, анъанавий талқин, даромад ва харажатлар ўртасидаги тафовут, соф активларнинг ўсиши сифатида қараш мумкин.

1. Илмий абстракциялаш тизимида молиявий натижаларга иқтисодчи олимларнинг қарашларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва уларни умумлаштириш воситасида молиявий натижага қуйидагича таъриф тизимлаштирилди: Молиявий натижалар – маълум даврга фаолият натижасида олинган даромад ва харажатларни солиштириш ҳамда хусусий капитал ўзга-

риш миқдорини ифодаловчи қийматнинг пул эквивалентидаги абсолют натижасидир.

2. Корхоналар молиявий натижаларини самарали бошқариш фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича унинг шаклланиш манбаларини ва соф молиявий натижага сифат ва миқдор жиҳатдан таъсир этувчи харажат элементларини режалаштириш, оператив таҳлил қилиш ва самарали назорат тизими каби функционал элементлар мужассамлигини ўзида ифодалайди.

3. Замонавий иқтисодий адабиётда сарф-харажатларни бошқаришда бир қатор концепциялар мавжуд. Ушбу концепциялардаги ёндашувлар бир хил эмас. Баъзи концепциялар харажатларнинг ҳисоб тавсифларига асосланади ҳамда сарф-харажатларни бошқаришнинг бухгалтерлик жиҳатига даҳлдор ҳисобланади. Бошқа концепциялар сарф-харажатларни фақат ҳисоб соҳасида эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам бошқариш объекти сифатида кўриб чиқади.

4. Ўтиш даври иқтисодиётига хос динамик тарздаги тез ўзгарувчан ички ва ташқи муҳит шароитида молиявий натижаларни бошқаришга нисбатан эгилувчан ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ принципларга асосланган янгича ёндошувни талаб қилмоқда. Хусусан, анъанавий молиявий таҳлил тизимидан комплекс тавсифдаги молиявий диагностика услубиётига ўтиш, анъанавий молиявий назорат тизимидан “зарарсиз ишлаб чиқариш” чегаравий мезонини таъминловчи узлуксиз молиявий мониторинг тизимига ўтиш – давр тақозоси ҳисобланади.

Айниқса, Ресубликамиз аҳолиси учун кундалик ҳаётини эҳтиёж ҳисобланувчи дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш саноатида молиявий натижаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш соҳадаги ишлаб чиқариш жараёнининг технологик тараққиётини таъминлаш мақсадидаги инвестицион фаолликни оширишнинг молиявий асосини ташкил қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Каримов ва бошқ. *Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2004- 93 б.*
2. Безруких П.С. *Бухгалтерский учет. Учебник. — 4-е изд., перераб. и доп.— М.: Бухгалтерский учет, 2002. — 719 с.*
3. <https://www.kp.ru/daily/26655.5/3676551/>
4. Карлибаева Р.Х. *Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. Монография.-Т.: LESSON PRESS, 2018 й.*
5. Eugene F. Brigham, Michael C. Ehrhardt. *Financial Management: Theory & Practice. Cengage Learning, 3 Mar 2014.- p.1200*
6. Дж.Шанк, В.Говиндараджан. *Стратегическое управление затратами: Новые методы увеличения конкурентоспособности. — СПб.: Бизнес Микро, 1999. С. 26.*
7. Вагазова Г. Р., Лукьянова Е. С. *Сущность финансовых результатов деятельности предприятия // Молодой ученый. — 2015. — №11.3. С. 13-15*
8. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти)
9. <http://www.Lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)